

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИНГ
ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри

Нөктә калыбы

№ 102

« 23 » февраль 20 17 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
17 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 90-сонли қарори
хақида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон фахрийларини
ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил
28 декабрдаги ПФ-4906-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон фахрийларини
ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 28 декабрдаги
ПФ-4906-сон Фармонига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 февралдаги
“Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш
тўғрисида”ги 90-сон қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига
ўзгартиришлар киритилганлиги;


б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон фахрийларини
ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятига кўмаклашиш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1996 йил 31 декабрдаги 473-сон қарори ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон фахрийларини
ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятига кўмаклашиш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1996 йил 31 декабрдаги 473-сон қарорига
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган
1997 йил 21 январдаги 10/1-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар, идоралар, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари, ушлари қабул
қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга
мувофиқлаштирсинлар.

Общ
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев